



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 феврал, жума №32 (1249)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## РАҲБАР, ЕТАКЧИ ЎЗИ ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ ЁНДИРИБ ЯШАШИ КЕРАК



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурмати депутатлар! Қадри сурхондарёлик дўстлар! Ватанимиз тарихи ва маданиятида азизларимизнинг муҳим ўрнини эгаллаб келган табарук макон бўлиши Сурхондарё заминидан бугун сиз - вилоят депутатлари ва фаоллари билан қўришиб турганимиз мамнун эканимни изҳор этиб, сизларга ва сиз орқали бутун Сурхон ахлига ўзининг самимий ҳурмат-эҳтиромини билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар! Биз сизлар билан мана шу тупроқда, қадимий Термиз шаҳрида кўп мартаба учрашганимиз. Ўйлаётганимиз, бу кутлуг дийёра қадам қўйган ҳар қандай одам ҳам Сурхон воҳасининг бепоён кенгликларини, дашту даладорларини кўрганда қалбида қандайдир меҳр, энгиллик ва эркинлик туйғуларини ҳис этгандек бўлади.

Мен Сурхон воҳасига турли вазифаларда ишлаганимда - Молияда, Госпланда хизмат қилган пайтларимда ҳам, Қашқадарёда ишлаган йилларимда ҳам кўп-кўп келганман ва бу дийёрнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигида баҳраманд бўлганман.

Юртимизнинг бошига турли синовлар, қийинчиликлар, оғир савдолар тушганида, айниқса, жанубий сарҳадларимизда мураккаб вазият вужудга келган кунларда ҳам Сурхондарё заминидан бўлиб, сизлар билан учрашиб, биргаликда шу тупроқни ҳимоя қилиш, асраш учун тегишли чора-тадбирлар кўрганимизни ҳеч қачон унутмайман.

Бир сўз билан айтганда, мен бу воҳани Амударё қирғоғидан тортиб Бойсун тоғларигача, Термиздан Деновгача, Хисор тизмаларидан Боботўғ этакларигача кезиб чиққанман, десам, мулобага бўлмайди.

Шу элнинг тузини ичган, кўпни кўрган, гурури балинд, ўз юртини жондан азиз биландиган одамлар билан танилиб, кўп бора суҳбатлашганман. Сурхон ахли билан бўлган бундай гурунларда улардан турли ҳаётий ҳикमतларни эшитиб, хулосалар чиқарганман.

Яна бир гапни очиб айтган бўлсам, ҳар сафар сизлар билан, бошқа юртдошларимиз билан учрашганда, ба-фуржа, дилдан, самимий суҳбатлашгим келади. Афсуски, менинг зиммамга юкланган кўп-кўп вазифалар ва ажраларимда ҳам кўп-кўп келганман ва бу дийёрнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигида баҳраманд бўлганман.

Лекин мана шундай учрашувлар учун вақт топиш ва сиз, азизларнинг қайфиятларингиздан хабардор бўлиб, очикча фикр алмашиш, оқни-оқ, қорани-қора, ютқини-ютук, камчилиқни-камчилик, деб баҳолаш мен учун ниҳоятда муҳим ва зарурдир.

Сурхондарёдаги бугунги аҳволни таҳлил қилар эканмиз, аввало, вилоятда амалга оширилаётган анча-мунча ижобий ишлар, одамларнинг қаддини, қайфиятини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган янгилиниш жиҳатлари, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғусини уйғотадиган ўзгаришларни қайд этишимиз мумкин.

Буни ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари олдинги йилга нисбатан 8 фоиз ошгани ҳам кўрсатиб турибди. Саноат, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми ортиб бормоқда.

Вилоят маркази бўлиши қадимий Термиз шаҳрини замонавий талаблар асосида қайта қуриш борасида эътиборга олинган ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан ҳукумат қарори асосида кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Биржа маркази, темир йўл вокзалининг янги биноси, археология музейи, қатор спорт мажмуалари, янги-янги фавворалар, боғ ва хиёбонлар, улкан иншоотлар, тубдан қайта таъмирланган Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Қокилдор ота, Қирққиз макбаралари каби тарихий обидалар шаҳар қиёфасини мутолқо ўзгартириб юборди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам вилоятда муайян ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 2001 йилда қариб 320 минг тонна галла тайёрланиб, шундан 232 минг тоннаси давлатга сотилди.

Бу аввалги йилдагидан 53 минг тонна кўп демакдир. Бу борадаги шартнома режаси орқали билан бажарилди. 12 минг тонна бугдой оливлый пудратчиларга тарқатиб берилди. Буларнинг ҳаммаси барчамизни қувонтиради, албатта.

Лекин, шу билан бирга, бу ерда ҳали-бери мавжуд бўлган муаммолар, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл қўйлаётган оқсоқликлар, оёғимизга қишча, йўлимизга тўсиқ-ғов бўлиб турган нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритишимиз, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бундай вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излашимиз керак.

Жумладан, бу нуқсонлар ҳақида кунни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ошқора айтилди.

Ва шу йиғилишни телевидение орқали қўзатган халқимиз, ўйлаётганимиз, тегишли хулосаларни чиқарди.

Вилоятдаги бугунги вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, **аввало, Сурхон воҳасининг, шу юрда яшайдиган одамларнинг ҳали ишга солинмаган салоҳияти, имкониятлари бениҳоят кўплигини айтиш даркор.**

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ТЕЗҚОР ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, республикада кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам тизимини шакллантириш юзасидан қўрилайдиган чора-тадбирларга қарамай, тезкор тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига айниқса Тошкент шаҳрида етарлича эътибор берилмапти.

Тошкент шаҳри тезкор тиббий ёрдам станцияси, унинг туман бўлинмалари ихтисослаштирилган автотранспорт билан етарли миқдорда таъминланмаган, замонавий алоқа воситаларига эга эмас. Тезкор тиббий ёрдамнинг кўплаб ихтисослаштирилган бригадалари замонавий тиббий ускуналар, зарур дори-дармонлар билан таъминланмаган. Бир қанча вилоятларда кейинги йилларда ихтисослаштирилган автотранспорт паркни янгиланмади. Буларнинг барчаси аҳолига кўрсатилаётган биринчи шоишлиқ тиббий ёрдам тезқорлиги ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат даражасини ва тезқорлигини ошириш, тезкор тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ушбу соҳага кенг яташ мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировага тезкор тиббий ёрдам хизматларини махсус автотранспорт ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш масалаларини ҳал этишда етарлича фаоллик кўрсатмаётганини кўрсатиб ўтилсин. У тезкор тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга мувофиқ ташкил этилиши, жиҳозланиши ва ривожлантирилишининг таъминоти билан бирга, темир йўл вокзалининг янги биноси, археология музейи, қатор спорт мажмуалари, янги-янги фавворалар, боғ ва хиёбонлар, улкан иншоотлар, тубдан қайта таъмирланган Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Қокилдор ота, Қирққиз макбаралари каби тарихий обидалар шаҳар қиёфасини мутолқо ўзгартириб юборди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам вилоятда муайян ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 2001 йилда қариб 320 минг тонна галла тайёрланиб, шундан 232 минг тоннаси давлатга сотилди.

Бу аввалги йилдагидан 53 минг тонна кўп демакдир. Бу борадаги шартнома режаси орқали билан бажарилди. 12 минг тонна бугдой оливлый пудратчиларга тарқатиб берилди. Буларнинг ҳаммаси барчамизни қувонтиради, албатта.

Лекин, шу билан бирга, бу ерда ҳали-бери мавжуд бўлган муаммолар, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл қўйлаётган оқсоқликлар, оёғимизга қишча, йўлимизга тўсиқ-ғов бўлиб турган нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритишимиз, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бундай вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излашимиз керак.

Жумладан, бу нуқсонлар ҳақида кунни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ошқора айтилди.

Вилоятдаги бугунги вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, **аввало, Сурхон воҳасининг, шу юрда яшайдиган одамларнинг ҳали ишга солинмаган салоҳияти, имкониятлари бениҳоят кўплигини айтиш даркор.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ  
**Т.Ў.Қодировни Сурхондарё вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида**  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:  
Тошмирзо Ҳорокович Қодиров Сурхондарё вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2002 йил 21 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ  
**Б.М.Олимжоновни Сурхондарё вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилиш тўғрисида**  
Бахтиёр Мамажонович Олимжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилинсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2002 йил 21 феврал

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ**  
21 феврал куни Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.  
Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Сурхондарё вилояти мамлакатимизда ўзига хос салоҳиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Унинг унмудор тупроғи, бир йилда уч бор ҳосил олиш имконини берадиган қулай табиий иқлим шароити, ер ости ва ер усти бойликлари, энг муҳими, меҳнатсевар одамлари бор. Вилоятда ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси 8 фоиз ўсди. 320 минг тонна галла тайёрланиб, бу соҳадаги режа орқали билан бажарилди ва бошқа соҳаларда ҳам муайян натижалар кўлга киритилди.

Аммо, вилоятда ислохотларни чуқурлаштириш, ердан самарали фойдаланиш, мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар оқсамоқда. Кўпгина ширкатлар номигагина ташкил қилинган. Фермерлик ҳаракатида бир талай муаммолар мавжуд. Қурилиш соҳасидаги аҳвол ҳам ачинарли. Тендерлар расмиятчилик учунгина ўтказилмоқда. Қўшма корхоналар ташкил этишга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётганлиги ҳам афсуслидир.

Сессияда одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, гамҳўр ва ташкилотчи раҳбарлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир раҳбар, хоҳ у катта ёки кичик вазифада ишласин, аввало, элу юрт учун фидойи бўлиши лозим. У шу юрт, шу халқ учун хизмат қилаётгани билан фахрлансин. Халқ билан, унинг доно оқсоқоллари билан бамавсаҳат иш тутсин. Одамларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш раҳбарнинг асосий фазилатидир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бахтиёр Олимжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳоқими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Сарийосиё тумани ҳоқими вазифасида ишлаб келаётган Тошмирзо Қодиров вилоят ҳоқими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан журналист Абдурауф Жумақулов, Денов туманидаги «Лочин» фермер ҳўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев, Денов тумани ҳоқими Абдулҳаким Эшмуродов, Қизирқ тумани ҳоқими Мамаюсуф Ҳолбоев ва бошқалар Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифаларни бажариш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Шу кунги мамлакатимиз раҳбари Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини қўриқлаётган чегарачиларнинг яшаш ва хизмат шароити билан танишди.

(ЎЗА).

**«Ишонч»га жавоб берадилар**  
**Қоқшадарёлик фуқаро И.Абдурахимовнинг «Шўртаннефтьга» акционерлик жамияти мансабдор шахслари томонидан йўл қўйлаётган қонун бузилишлари хусусида ёзган шикоятни текшириш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига юборилган эди.**  
У ердан таҳририятимизга келган жавоб хатида куйидагилар маълум қилинади:  
А.Зулфикарова интизомий жазо берилиб, бир ойлик рағбатлантиришдан маҳрум этилган.  
Шунингдек, текшириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда «Шўртаннефтьга» бошқармаси бошлигининг прокуратураси томонидан И.Абдурахимовнинг аризасини текшириш давомида аниқланган оддий вагонлардан тежамсиз фойдаланиш оқибатида бошқармага келтирилган зарарни қисман ундириш мақсадида бошқарма бошлиғи, бош ҳисобчи ва муҳандис бир ойлик маошларидан ушлаб қолиш масаласи юзасидан судга даъво аризаси киритилиб, у тўла қаноатлантирилди.  
Аризачининг бошқарма мулкни талон-торож қилиш, суистеъмолчиликлар ва кўрсатилган бошқа вазялар текширишда ўз тасдиғини топмади.  
**М.МИРСОЛИХОВ, Қоқшадарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.**



Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

СОЛИҚ НИМА?

УНИНГ МОҲИАТИ ВА ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ЎРНИ

Вазирлар Маҳкамасининг 14 февралдаги мажлиси ҳужжатларида жорий йилда солиқ ва бюджет соҳаларининг ислоҳ этиш масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, махсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги... аксинча, уни рағбатлантири-

— Солиқлар бу ташқи кўриниши жиҳатидан ҳукуматнинг бажарган хизматлари учун ҳақдир. Аммо моҳияти жиҳатидан солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини билдирувчи, давлат пул фондини шакллантирувчи тўловдир.

Маълумки, давлат бюджети даромадлар ва ҳаражатлар баланси шаклида тузилади. Даромадлар асосан солиқлар ва йиғимлардан ташкил топади. Солиқ даромадлари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига, чунончи, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, кадрлар тайёрлаш, ижтимоий таъминот, давлат хавфсизлигини сақлаш, мамлакат ичида тартибни сақлаш, давлат бошқарувини ташкил этиш, мудофаа ва бошқаларга йўналтирилади.

— Юнусобод Тошкент шаҳрининг энг катта туманларидан бири. Бу ерда солиқ сиёсати қандай амалга ошириляпти?

— Айтиб ўтганимиз каби, солиқлар бу иқтисодий тизимнинг қудрати, пойдевори. Туманимиз бюджетининг аксарият қисмини ҳам айнан солиқлар ва тушумлар ташкил этади. Бу ўринда аниқ рақамларга мурожаат қиламиз. Туманимизда 4628 нафар тадбиркор рўйхатга олинган. Ўтган йили улар давлат хазинасига 775 миллион сўм солиқ топширдилар. 71 минг 210 нафар фуқаро мол-мулк солиғига тортилиб, 90 миллион 490 минг сўм тўладилар. Шахсий уй-жойга эга бўлган 14996

ши зарурлигини алоҳида ўқтириб ўтди.

Хўш, пўнда ифодалаганда солиқ нима, унинг моҳияти ва жамиятимиздаги ўрни деганда нимани тушунишимиз керак?

Мухбиримиз шу саволлар билан Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлигининг ўринбосари Б.Исмоилолга мурожаат этди:

фуқаро эса давлат фойдасига 51 миллион 496 минг сўм ер солиғи тўлади.

— Қонунга қатъий риоя қилиб, солиқни ўз вақтида тўлаб бораётган фуқаролар, албатта, кўпчиликини ташкил қилади. Лекин, афсуски, гуруч курмакисиз бўлмайди, деганларидек...

— Гапингизни тушундим. Бундай «курмаклар», афсуски, йўқ эмас. Биргина ўтган йилнинг ўзида туманимизда бўйича солиқ соҳасида 2052 та қонунбузарлик ҳоллари қайд этилди. 1604 нафар фуқаронинг иши юзасидан маъмурий жарима қўлланилди. 179 нафар қонунбузарнинг иши судга оширилди. 2 кишининг устидан эса жиноий иш қўзғатилди. Жами баҳоси 1 миллион 852 минг сўмлик 1693 шиша акциз маркаси бўлмаган спиртли ичимликлар, 6 миллион 850 минг сўмлик 48065 қути тамаки, шунингдек, ноқонуний сотилаётган 4 миллион 381 минг сўмлик бошқа хил халқ истеъмоли моллари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида жами баҳоси 1 миллион 34660 сўм бўлган спиртли ичимликлар, тамаки махсулотлари ҳамда халқ истеъмоли моллари мусодара қилинди.

— Ўша қонунбузарликлар борасида битта-иккита аниқ мисоллар келтирсак...

— Марҳамат. Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Исламбек Мамутов деган йигит Юнусобод туманининг Хусниддин Асомов кўчаси, 18-уйида ўз хоҳишича «Зебо» номи билан кафе очиб олган. Бироқ уни ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказмаган. Демак, ўз-ўзидан маъ-

лумки, солиқ тўлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Кафеда 30 та хўранда столи бўлган, демак, қонун бўйича бу «ишбилармон» ой сайин давлатга 370 минг 440 сўмдан солиқ тўлаши лозим эди. Лекин, юқорида қайд этганимиз каби, бирор сўм ҳам тўламаган. Ҳозир унинг иши туман прокуратураси қошидаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлимига топширилди.

Яна бир мисол. Фуқаро Раҳмат Рихсиев Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 71-уйида биллиардхона очган эди. Биллиардхонани у қонуний равишда рўйхатдан ўтказган. Лекин вақти келгач, пинҳона равишда ўша биллиардхонада Қозоғистондан яширин йўллар билан олиб келинаётган спиртли ичимликлар ҳамда пиво билан савдо қилувчи бар ҳам очиб олган. Бироқ барни рўйхатдан ўтказмаган. Касални ҳар қанча яширсан ҳам иситмаси ошкор қилади, деган гап бор. Рихсиевнинг қинғир ишлари тез орадаёқ очилиб қолди. Ҳозир унинг иши билан ҳам ҳуқуқ тартибот органлари шуғулланмоқда. Бу фактлар солиқдан қочган одам фақат ўзини алдаяганини исботлаб турибди.

Солиқ тўлаш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Ўз вақтида ва қонуний тарзда солиқ тўлаш билан биз давлатимизнинг иқтисодий қудратига ўз хиссамизни қўшган бўламиз. Бундан ташқари, виждонимиз қийналмай, қаддимиз биланд кўтариб яшаймиз.

К.СОБИРОВ сўхбатлашди.

Жиззах вилоятида фермерлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда 5884 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Улар ихтиёрида жами 149,503 гектар ер майдони мавжуд.

Фермер ҳўжаликлари-нинг вилоятда қишлоқ ҳўжалик махсулотлари етиштиришдаги улуши йил сайин кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир. Биргина ўтган йили фермер ҳўжаликлари шартномадаги 104.780 тонна ўрнига 112.192 тонна галла етказиб бердилар. Етиштирилган пахта-нинг 65 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Бироқ, айрим жойларда фермерлик ҳаракати га тегишли баҳо бермаслик, уларнинг молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳоллари рўй бермоқдаки, бу муста-

лиши мумкинлиги кўрсатилган. — Мен, — дейди «Олти ҳовуз» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Сатторов, — банкка келиб, ҳисоб рақамимиздан Жиззах туман машина-трактор саройи ҳисоб рақамига 12 январ куни қалбаки 200-сонли тўлов талабномасига кўра 23.000 сўм, 15 январ куни 16-сонли тўлов талабномасига кўра 112.000 сўм пул маблағимизни банк мутасаддилари ўтказиб юборганлигини билдим. Ваҳоланки, мазкур қорхонанинг ҳўжалигимиздан 41.400 сўмлик дебитор қарзи бор эди. Нарҳотки, банк раҳбарлари биз мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ўрнига гаирқонуний иш тутса?!

Фермернинг қуонганича бор. РИТА «Фаллабанк»нинг Жиззах бўлими раҳбари Н.Тоғаев амалдаги Қо-

амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолат тегишли Қонун ҳамда йўриқнома ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган, албатта.

Ўзбекистон Республикаси «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида фермер ҳўжаликлари-нинг ҳисоб-китоб варақидан маблағлар фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билангина ҳисобдан чиқари-

Пойтахтимиз чиройи нафақат бежирим ва осмонўпар иморатлар, балки аҳолининг узогини яқин қилаётган кўприклар ҳисобига ҳам очилиб бормоқда. Ана шундай кўприклардан бирини Тошкентдаги 13-сонли қурилиш қорхонаси бунёдкорлари Усмон Носир ҳамда Фарҳод Қўчалари туташган жойда барпо этмоқдалар.

Суратларда: илғор қурувчи Зиядулло Сафаров (юқорида); бригада бошлиғи Абдуқадир Холматов, участка раҳбари Константин Пеньков ҳамда иш юритувчи Собир Тожиёвлар навбатдаги вази-фаларни муҳокама этишмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



лиши мумкинлиги кўрсатилган. — Мен, — дейди «Олти ҳовуз» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Сатторов, — банкка келиб, ҳисоб рақамимиздан Жиззах туман машина-трактор саройи ҳисоб рақамига 12 январ куни қалбаки 200-сонли тўлов талабномасига кўра 23.000 сўм, 15 январ куни 16-сонли тўлов талабномасига кўра 112.000 сўм пул маблағимизни банк мутасаддилари ўтказиб юборганлигини билдим. Ваҳоланки, мазкур қорхонанинг ҳўжалигимиздан 41.400 сўмлик дебитор қарзи бор эди. Нарҳотки, банк раҳбарлари биз мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ўрнига гаирқонуний иш тутса?!

Фермернинг қуонганича бор. РИТА «Фаллабанк»нинг Жиззах бўлими раҳбари Н.Тоғаев амалдаги Қо-

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ ИШ ВАҚТИНИНГ МУДДАТИ Тўғрисида Саволингизга ҳуқуқшунос

Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Байрам кунлари арафасидаги иш вақтининг муддати тўғрисида тушунириш берсангиз. Қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вақти муддатида ишляётганларга байрам кунлари арафасида иш вақти қисқартириладими?

Ҳўлқар ХОЛМУРОДОВА, Пискент тумани, ҳамшира.

ЖАВОБ: Бу саволларга жавоб беришдан аввал байрам кунларини кўрсатиб ўтиш, қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вақтидан қимлар фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида тушунириш берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мехнат кодексининг 131-моддасида байрам кунлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- 1 январ — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар куни, 21 март — Наврўз байрами, 9 май — «Хотира ва Қадрлаш куни», 1 сентябр — Муштақиллик куни, 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8 декабр — Конституция куни, Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи куни, Қурбон ҳайит (Ийд ал-Ада) диний байрамнинг биринчи куни. Демак, ҳар йили тўққиз кун байрам қилинади.

ХўКУЎКИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги ҳолати, меҳнат шароитлари, меҳнат вази-фаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳўжатларга мувофиқ, меҳнатга тўланадиган ҳақ камайтирилмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Мехнат кодексининг 116-моддасига асосан бундай ходимларнинг рўйхати қуйидагилардан иборат:

- ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса, ҳафтасига йигирма тўрт соат;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат;
- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат;
- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишляётган аёлларга ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланади.

Энди тўлиқсиз иш вақти тушунчасига келсак, бу Мехнат кодексининг 119-моддасида кўрсатилганидек, тўлиқсиз иш вақти тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини ўз ичига олади. Тўлиқсиз иш вақти ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувага биноан ишга қабул қилиш вақтида ҳам, кейинчалик ҳам белгилан қўйилиши мумкин. Бунда иш вақти муддати меъёри камайд, яъни ходим иш вақтининг нормал муддати саккиз соат ўрнига, ўзаро келишилганидек, олти, беш соат ва ундан ҳам камроқ вақт ишлайди.

Тўлиқсиз иш ҳафтасида кундалик иш муддати сақланиб қолган ҳолда ҳафтадаги иш кунлари сонни камайд. Масалан, ходим беш кунлик иш ҳафтасида тўлиқ уч иш куни мобайнида меҳнат қилади.

Қонун ҳўжатларида ходимга унинг илтимосига кўра иш берувчи тўлиқсиз иш вақтининг жорий этиши шарт бўлган бир неча ҳоллар назарда тутилган.

Мехнат кодексининг 229-моддасига мувофиқ ҳўмладор аёлларнинг ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларнинг илтимосига кўра уларга тўлиқсиз иш вақти жорий этилиши шарт.

Мехнат кодексининг 238-моддасида оналар учун белгиланган барча имтиёз ва кафолатлар у ёки бу сабабларга кўра болалар она гаҳўрўлигидан бебаҳра қилинган ҳолларда ана шу болаларни амалда тарбия қилаётган бошқа шахсларга тадбиқ қилиниши кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, бу болаларнинг тарбияси билан шуғулланаётган шахсга иш берувчи унинг илтимосига биноан тўлиқсиз иш вақти белгиланиши шарт.

Олинган бетоб аъзосини парварши қилиш билан банд бўлган шахсга ҳамда ишляётган ногиронларга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун тегишли тиббий ҳўлоса асос бўла олади.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаган ходимга у ишлаган вақтига ёки ишлаб чиқарган махсулотга мўтаносиб равишда ҳақ тўланади.

Мехнат кодексининг 121-моддасига асосан байрам кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Бу талаб қисқартирилган иш вақти ҳамда тўлиқсиз иш вақти режимида ишляётган барча ходимларга ҳам тегишлидир. Айрим иш берувчилар кўрсатиб ўтилган тартибда ишляётганларга байрам арафасида иш вақти бир соатга қисқартирилмайди, деган фикрга боришди. Бу нотўғри. Агар қонуннинг бу талаби иш берувчи томонидан бажариломаса, ходим иш вақтининг ташқари ишга жалб қилинган ҳисобланади ва Мехнат кодексининг 157-моддасига асосан бу ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўлиниши керак.

Муассасанинг қасаба уюшма кўмитаси Мехнат кодексининг 9-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда иш вақти тартиби масаласида доимий назорат олиб бориши ва қонунбузарчилигини олдини олиши зарур.

ТУҲФА

Кейинги йилларда республикада қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида ибратли ишлар олиб боришмоқда.

Баҳористон тумани «Дўстлик» ширкат ҳўжалигида хонадонларни газлаштириш учун Муроббо нефть ва газ конлари бошқармаси ҳўмилигида 40 миллион сўмлик иш бажарилиб, 13 километрдан кўпроқ масофага газ қувурлари тортилди. Ҳўжалик марказида эса қўрқам ва шинама бозор қурилди.

Шунингдек, қишлоқ меҳнатқашларига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мақсадида 150 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида. Ҳозирда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб бораляпти. 10 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланажак мазкур врачлик амбулаторияси умумхалқ байрами — Наврўз арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Ҳозирги кунларда бошланғич қасаба уюшма ташкилотларида 2001 йилги жамоа шартномаларининг бажарилиши яқунлари ва 2002 йилги жамоа шартномаларини қабул қилиш жараёни кетмоқда. Шунини очиб айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам жамоа шартномалари талаб даражасида тузиляпти, деб бўлмайди.

Баъзи ташкилотларда номига тузилаётган бўлса, айримларида эса қорхонага тегишли бўлмаган бандларни шартномага киритишмоқда. Жамоа шартномаларини тузиш бўйича ҳар йили қасаба уюшма кўмиталарига тавсияномалар бериллади. Бу тавсияномалар бир неча бор «Ишонч» газетасида ҳам чоп этилди. Афсуски, айнан газетасида чиққан тавсияларни тўлиқ кўчириб, жамоа шартномаси сифатида қўллаётган ташкилотлар кам бўлса-да, учраб турибди. Айниқса, жамоа шартномаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини кўплар билишмайди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгагининг жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш, ҳисобот шакллари тўлдиришга оид тавсияларни жой-

рига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, шартномавий муносабатларнинг ҳолис мониторингини йўлга қўйиш, шартнома таъсирчанлигини ошириш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жорий этилади. Жамоа шартномаси

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ЭКСПЕРТИЗА ВА РЎЙХАТДАН ЎТДИМИ

қабул қилинишидан 2 ҳафта олдин қорхона, ташкилот, муассаса қасаба уюшма кўмитаси рўйхатдан ўтказувчи юқори қасаба уюшма органига экспертизадан ўтказиш учун жамоа шартномаси лойиҳасини барча иловалар билан тақдим этади (экспертиза натижалари ёзма равишда 2 нухсада расмийлаштирилади ва 1 нухсаси 10 кун муддат ичида қасаба уюшма кўмитаси раисига, унинг имзосини олиб, бериллади). Жамоа шартномасига имзо чекилган кундан бошлаб 3 кун ичида саҳифалари номерланган ва тикил-

Мутахассис нуқтаи назари

ган жамоа шартномасининг 3 нухсасини, олдинги йил жамоа шартномасини текшириш тўғрисида (қорхона комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган) далолатномани, жамоа шартномасини аҳволини қонун ҳўжатларида, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий келишувларда назарда тутилганга қараганда ёмонлаштирадиган шартлар аниқланган, жамоа шартномаси рўйхатдан ўтказилмайди, яъни унга рўйхат рақами берилмайди. Бу ҳолда рўйхатдан ўтказувчи қасаба уюшма органи раҳбари жамоа шартномасига имзо чеккан шахсларга унинг рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабабларини баён қилади ва нуксонларни бартараф этиш муддатини белгилайди.

Жамоа шартномаларининг тўғри тузилиши — меҳнатқашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг бош омили. Шунинг учун ҳам барча қасаба кўмитаси раислари жамоа шартномасини тузиш тартибини тўлиқ ўзлаштириб олишлари мақсадга мувофиқдир.

Турсунбой НИЁЗОВ, Ўзбекистон агросаноат мажмуа ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси бўлими мудири.

Сиз кутган учрашув

# ҲАР ТОНГНИ ҚЎШИҚ БИЛАН ҚАРШИЛАЙЛИК

## Ардоқли санъаткор, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Ҳалима НОСИРОВА хузурда

Болалик кезларимизда ҳар биримизнинг сеvimли кўшиғимиз бўларди. Уша кўшиқ радиода янграша бас, хонанданинг овозига тақлид қилиб анча вақтга «куйлаб» юрардик. Бир кун янги бир кўшиқни эшитиб қолдик.

**Қизил гулнинг тагида чаман ичра, Ёр сени кўриб қолдим, чаман ичра. Кўрмасам бўлар экан, чаман ичра, Ишқингда куйиб қолдим чаман ичра...**

Хонанданинг овози шунчалар ширали эдик, эшитган кишини сеҳрлаб қўярди. Ушандан сўнг «Чаман ичра» ҳаммамизнинг сеvimли кўшиғимизга айланди. Сал бўш қолсақ борми, уни бараварига хиргойи қилардик. Уша йиллари Ҳалима Носированинг «Чаман ичра»сидан бошқа яна кўп ашулалари тингловчилар қалбини аста-секин забт этиб борарди: «Тановор», «Фигон», «Кел, эртароқ», «Самарқанд ушшоғи»...



Катта иқтидор, бетакор овоз ва тинимсиз меҳнат оддий ўзбек қизини элга танитди, уни санъат оламида янада машҳур қилди. Аслида Ҳалима Носированинг санъат йўли серқирра: у спектаклларда роллар ижро этган актриса, мақом кўшиқларини қойиллатиб айтган хонанда, операда зўр овоз эгаси сифатида танилган.

— Эсимда, 1937 йилда Москвада ўтказилган ўзбек санъати ўн кунигида катнашганим, — дейди Ҳалима хоним. — Ушанда йигирма тўрт ёшда эдим. Катта сахнада «Гулсарани» ўйнадим. Анжуманга йиғилган минглаб томошабинлар, улус санъаткорлар ижро маҳоратим, кўшиқларимга юксак баҳо беришди.

— Ёшлик чоғларингиздаёқ кўшиқчилик санъатини шу даражада мукаммал эгаллашингизда, сизнингча, оиладаги муҳитнинг таъсири бормиди?

— Отам ашула тингловчи эктирарди. Гоҳида ўзи танбур чертиб хонни қилар эди. Кейинчалик иккала отам ҳам доира чалиб кўшиқ айтишга бошладим. Мен уларга жўр бўлардим. Шунда отам кўпроқ мени мақтар, «Овозинг жуда кучли!» деб қувонарди. Отам қазо қилганларидан сўнг онам билан бир-

га Кўқонга отландик. Бизни интернетга жойлаб, ўзлари фабрикага ишга кирдилар. Отам ўргатган кўшиқларни хиргойи қилиб юришимни тарбиячиларимиз сезиб қолишиб, мени ҳаваскорлик тўғрисида ёздирдишди. Дастлаб у ерда кичик пьесалардаги ролларни ижро этдим, кей-

— Катта Фарғона қанали қурилиши йилларида сизнинг кўшиқларингиз кишиларни шижоатли меҳнатга ундаган экан...

— Агар санъаткор одамларга керак эканини ҳис этса, унинг ишлаш имконияти янада ортади. Биз

ниятларидан илҳомланиб тобора илгарилаяпмиз. Бунинг учун биз фақат қувонишимиз керак.

— Сизнингча, бахт нима?

— Бизга тириклик деган буюк имкон берилган экан, мана шунинг ўзи бахт. Инсон тирик-

ми, демак, у ҳар бир ишга қодир! Фақат ҳаракат қилса бас, янада бахтли бўлишга ҳақли.

— Ҳаётим давомида халқим хизматида бўлдим. Катта ижодкор билан тақдиримни боғлаб, чинакам ижод завқи билан яшадим. Баҳодир ўғлимиз, Гулмира қизимиз бор. Энди набираларнинг ардоғидан. Не бахтли, озодлик замонини кўриш менга насиб этди. Бу кунларнинг ҳар лаҳзасини кўзга суртиш керак. Мен истиқлол йилларида янада кадрландим, кўнглим яна бир қарра ўсди, руҳим тетиклашди. Жуда кўп кўшиқларим мухлисларимнинг юрагига кириб борди, овозим магнит тасмаларига муҳрланди, санъатимиз ҳазинасига кўшиқларим билан ҳисса қўшдим. Демакки, бахтлиман дейишга ҳақким бор...

— «Еришиб келаётган ҳар тонгни кўшиқ билан кутиб олайлик. Бошланган ҳар бир кунга шукрона айтилайлик!» дейди сўхбатни якунлаётиб кекса санъаткор. Бу сўзлар ҳар биримизни ҳушёр тортиради, изланишу ижодга ундайди, олдинда ёруғ манзиллар кутайтганини бизга уқтираётгандай бўлади.

**Сўхбатдош: Гулчехра ЖАМИЛОВА.**

Тамарахоним, Мукаррама-хонимлар билан кундузлари ҳам, кечалари ҳам концерт берардик. Асло чарчамасдик. Иккинчи жаҳон урушида эса аскарларга кўшиқларимиз билан мадад бўлардик. Боку, Тбилиси, Краснодар каби ўнлаб шаҳарлардаги ҳарбий қисмларда концерт берганимиз.

— Сўхбатларингиздан бирида «Оила ва санъатдаги камолотимда Комил Яшин ҳақиқий устозим», деган эдингиз. Бу инсондан нималарни ўргангансиз?

— Ишлашни ўргандим. Яшин ога берилиб ишлар, ижодга катта масъулият билан қарарди. Энди ўйласам, масъулият тўғриси машаққатларни енгишга ўргатаркан, инсонни тарбияларкан. Мен ижод масъулиятини теран тушунганим учун ҳам балки кўп нарсага эришгандирман...

— Ёш кўшиқчиларимиз ижодини қандай баҳолайсиз?

— Ёшлар изланувчан, ижодлари ранг-баранг. Улар мақом йўлларидagi кўшиқларини ҳам янгича мазмун билан куйлашяпти. Опера санъатига истеъдодли ёшлар кириб келди, бу санъат тури миллий руҳ билан бойиди. Янги муסיқий асарлар ёзиляпти, кўшиқ альбомлари чиқариляпти. Демак, ёшларимиз озодлик имко-

### Хотира турнири

Яхшиларни ёд этиб, ҳурмат бажо келтириш халқимизнинг азалий одатларидан. Яқинда Наманган муҳандислик-иктисодиёт институтида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

### ЯНГИҚЎРҒОНЛИКЛАР ҲОЛИБ

Вилоятдаги қатор олий ўқув юртларида узоқ йиллар давомида самарали фаолият кўрсатган фалсафа фанлари доктори, профессор Зокиржон Холмирзаев хотирасига бағишланган турнирда НамДУ, Муҳандислик-иктисодиёт институти, Педагогика билим юрти ҳамда Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон туманларидан келган волейболчи қизлар жамоалари иштирок этишди.

Муҳандислик-иктисодиёт институти жисмоний тарбия ва спорт кафедраси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, талабалар касаба уюшма кўмитаси ҳамда «Лочин» спорт клуби ташаббуси ва ҳоимлигида ташкил этилган турнир беллашувлари гоёт кескин курашлар остида ўтди. Турнир ғолиблиги Янгиқўрғон туманининг биринчи жамоасига насиб этди. Шунингдек, НамДУ ва Муҳандислик-иктисодиёт институти волейболчилари ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

— Айни кунларда вилоятимиздаги олий ўқув юртлари талабалари Бухоро шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2002» мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда, — дейди Муҳандислик-иктисодиёт институти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раиси Отабек Йўлдошев. — Мазкур хотира турнири ушбу нуфузли мусобақа олдида муҳим синов-тайёргарлик босқичини ўтади.

**Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.**

### Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

# ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Таълим тизимидаги ислохотлар жараёни тобора кенгрок қўлам, теранрок мазмун касб этгани сайин соҳада фаолият юритаётган устоз-мураббийлар, ўқитувчи-ю мутасаддилар олдида янгича талаблар қўйилмоқда. Бинобарин, тизимда, хусусан, коллежларда таълим жараёнини жаҳон андозалари даражасида ташкил қилиш, талабаларга бир неча касб-хунар сирларини пухта ўргатиш давр талабидир.

Шу маънода Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Чунончи, кейинги икки йил ичида вилоятдаги барча касб-хунар билим юртлари бинолари тўлиқ таъмирланди, мукаммал лойиҳалар асосида янги типдаги коллеж-батидида изланувчан, билимдон, малакали кадрларни саралаш имконини бераётди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ўқитувчиларимиз ўз фанлари воситалари билан жиҳозланди. Бу борадаги ишлар айниқса, Самарқанд шаҳридаги энгил саноат касб-хунар, туризм ва маиший хизмат ҳамда саноат коллежларида, Ургутдаги қурилиш ва миллий хунармандчилик, Каттақўрғондаги транспорт коллежларида намунали амалга оширилди. Дарвоқе, янги ўқув йили арафасида 3 та замонавий билим юрти юзлаб ўғил-қизларни ўз бағрига олди.

Таълим-тарбия соҳасида ижобий ўзгариш-

нинг вакиллари иштирокида ўқитувчиларимиз малакасини ошириш, хориж тажрибасини оммалаштириш мақсадида амалий семинар-ўқувлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, ўқитувчиларимиз АҚШ, Канада, Германия, Жанубий Корея мамлакатларида малака ошириб қайтишди. Умуман, бу ҳамкорлик вилоятдаги ўрта махсус касб-хунар коллежларида Германиянинг дуал ва модулли, Канаданинг виртуал ҳамда Жанубий Кореянинг масофадан бошқариш каби ўқитиш тизимларини амалиётда қўллаш имконини бермоқда. Бунда бошқарма компьютер марказининг интернет тармоғига уланганлиги ҳам қўл келаётди.

Қўлга киритилган ютуқлар таълим тизимини юксалтиришда муҳим рол ўйнайди, албатта. Бироқ, энг катта ютуғимиз ўқитувчиларимизнинг таълим-тарбия жараёнига, ўқувчи-ёшларнинг ўқишга муносабатини ижобий томонга ўзгараётганлигидир. Бу мамлакатимиз таълим тизимининг торлоқ келажагидан дарак беради.

**М.ХОЛМУҲАМЕДОВ, Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг бошлиғи.**



### ИККИ ЮРАКЛИ ОДАМ

Жанубий Африкадаги Нчами қўлига яқин қишлоқда Каомбу исми икки юракли йигит яшайди. Қизиғи, унинг барча ички аъзолари бошқаларникига қараганда икки ҳисса катта. Шунинг учун бўлса керак, унда икки одам куч-қуввати бор: биринчи қуввати тунги, иккинчи қуввати кундузги бажариладиган ишларга сарфланади.

Каомбу кундузи Маунг шаҳридаги коллежда ўқийди. Дарсдан сўнг онасига уй ишларида ёрдам беради. Кечаси ярим соатгина ухлагандан сўнг ўрмон кезиб, овозининг борича кўшиқ айтади. Қуёш чиқши олдиндан уйига келиб тағин ярим соат мизғиб олади-да, кундузги фаолиятини бошлайди.

### ОВҚАТЛАНМАСДАН ЯШАШ МУМКИНИ?

Баъзи бир одамлар бир кун овқатланмаса ҳолдан тойиб қолиши мумкин. Аммо, буни қарангки, ҳаётда овқатланмасдан яшайдиганлар ҳам бор экан.

Бразилиянинг қўл худудида яшайдиган Лау исмли кишининг ҳеч таом емасдан яшайётгани олимлар учун ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Чунки 80 ёшли қария болалик чоғидан бўён овқатланмайдди. Лекин, шунга қарамасдан, унинг соғлиғи аъло даражада. Бир неча йил аввал икки марта операция қилинганини ҳисобга олмасак, умуман хастанмаган.

23 фарзандининг отаси Лауга хотини хар кун эрталаб бир стакан манго шарбатини зўрлаб ичиради.

### СОБИР ТЕРМИЗИЙ ЭРОНДА

Қўхна Термиз шаҳрида таваллуд топган Адиб Собир Термизий фортожик ва араб тилларида гўзал байтлар битган. Бизга унинг турли девонлари орқали 6947 байт шеъри етиб келган.

Кечирилмас хато ва гаразли фитна сабабли шоир Адиб Собир 69 ёшида Хоразмшоҳ Отсиз томонидан 1147 йилда Амударёга тириклайин чўктириб юборилди. Машҳур шоир жасади дарё қарига чўкиб кетди, бироқ унинг ҳайратомуз шеърияти

асло чўкмади. Бу шеърият гўзал, ҳайратомуз нола, фараҳли насим бўлиб, истиқлол боғларимизни кезиб юрибди.

Собир Термизий ғазалларини бугунги мухлислар ўзбек ва форс-тожик тилларида ўқиб, баҳра олишмоқда. Янгида шоирнинг девони Эронда нашрдан чиқди. Унинг танқидий матнини Термиз Давлат университети профессори Аҳмад Абдуллаев тайёрлади.

**«Туркистон-пресс»**

Маҳалла. Ҳозир-Ҳозир бошқаришнинг халқимиз қадриятлари, анъаналари, бир сўз билан айтганда, табиатига хос бўлган бу усули мустақиллик йилларида юксак эътибор топиб, катта нуфузга эга бўлди. Чунки ҳар қандай камчилик ва муаммони биргалликда, энг адолатли йўл билан ҳал эта оладиган маҳаллаларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни бўлакач.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Шаҳриобод» маҳалласида бўлганимизда, юқоридаги мулоҳазалар тўғрисида. Зеро, 2004 та хонадонларда истиқомат қилаётган ўн мингдан ортиқ 22 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, ўзаро баҳамжихат яшаётганлигига ҳавасингиз келади. Кўнгиладан «Чиндан ҳам Шаҳриобод экан» деган ўй ўтади.

— Ахир, ҳар бир нарса исми жисмига монанд бўлиши керак, —

# ЧЕТ ЭЛ ГРАНТИНИ ОЛГАН МАҲАЛЛА

дейди ҳазил аралаш маҳалла оқсоқоли, фидойи инсон Сайфулла ака Халилов. — Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун қатор ишларга қўл уряпмиз. Масалан, кейинги 2 йил ичида 113 нафар кишини иш билан таъминлашга эришдик. Натижада ишсизлар сони бирмунча камайди.

Маҳалла худудида Тошкент Маданият институти, шаҳар иситиш маркази, бир неча лицей, болалар боғчаси ва талабалар ошоналари мавжуд. Иккита замонавий спорт мажмуаси, 12 та нонвойхона, 2 та оталар чойхонаси, истироҳат боғи, кутубхона, поликлони-

ка ва гузар маҳалла аҳли хизматида.

Маҳалла — катта тарбия ўчоғи. Шу боис маҳалла ёшлари ўртасида тарбиявий ишлар кенг жамоатчилик, ота-оналар ҳамкорлигида олиб борилмоқда. Катта ҳаёт тажрибасига эга кексалар, пири бадавлат отахон онахонлар иштирокида ёш оилалар мустаҳкамлиги, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат, фарзандлар тарбияси каби мавзуларда ўтказилаётган турли тадбирлар беиз кетмаяпти.

«Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси асосида тўртта мактаб билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ҳукумат ёшлар ўртасида «Сиз

қонунни биласизми?», «Бола тарбиясида маҳалла, мактаб, милиция, оиланинг ўрни» мавзуларида амалий конференциялар, сўхбатлар, учрашувлар ўтказиш яхши анъана тусини олаётди. Бу тадбирларни ўтказишда маҳаллақўм қошидаги ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг олиб бораётган саъй-ҳаракатлари айниқса, диққатга сазовордир. Маҳалла аҳли бу йил шаҳар миқёсида ўтказилган «Ибратли хонадон», «Ибратли оила», «Ибратли қайнона» кўриктанловларида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Шуни айтиш жоизки, кам таъминланган оилалар, ногирон, ёл-

### Ибрат

ғиз қарияларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилиб келинаётди. Айниқса, кўпни кўрган қариялар маҳалла аҳлининг чексиз меҳри огушидалар. Дарвоқе, «Шаҳриобод» 1999-2001 йилларда Америка халқаро ёрдам ташкилоти — «World Concern»нинг грантини олишга муваффақ бўлди. Натижада 6 мингга яқин кам таъминланган аҳолига моддий кўмак берилди. Болалар боғчаларига турли хил ўйинчоқлар, ўқув қуроллари тортиқ қилинди.

Ҳа, халқимизга хос бўлган муҳтожларга меҳр-оқибат ва ёрдам кўрсатиш, савобли ишларни амалга оширишда маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Бу ҳақиқатни «Шаҳриобод»да бўлиб яна бир бор дилдан туйдик.

**М.МАТВАФОВА, К.ОЛЛОЕВ.**

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топширилган вақти - 21.00  
Топширилди 00.50

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сوغудда эркин нарҳда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.